

# ГУРУР

### Азиз ватандошим Муҳаммадқодир АБДУЛЛАЕВнинг буюк зафарини қутлаб...

Мардлар кўрсатгайлар майдонда кучин, Сиднейдан ўлкамга учмиш хушхабар! Бағрига сизгади муқаддас очун, Ўзбек Алпомиши бўлиш музаффар!

Элидан, еридан олмиш қудрат, куч, Ватан муҳаббати — сўнмас сурури! Пахлавон ўғлингни, қалбим, қутла, куч, Ўзлигин кўрсатди ўзбек гурури!

Камалак кулади Эрк қуёшида, Истасак кенг дунё сизга юракка! Юртим байроғини ушла бошида — Элим тилло боши етди фалакка!

Инсон асрамоғи шартдир оламни, Табиат бағрида топажак қадр! Олтин ҳам изларкан олтин одамни, Оллоҳнингта сизгин, Муҳаммадқодир!

Ўзбегим голиблик шохсупасида, Амир Темур бобом руҳи бугун шод! Эй, Нарзий, булбул бўл, ўки қасида, Буюқдир, суюқдир ҳазрат Одамзод!

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон халқ шоири

2-БЕТ

АНОР: "ҲАНУЗ ЖАННАТНИ КУТИБ ЯШАЯПМИЗ" 3-БЕТ

ҲОФИЗНИНГ ЕТИМ СОЗИ 4-БЕТ

## ШУКРОНА

Ўзининг муборак номини муносиб иззат-ҳурматлаётган азиз "Хуррият" газетаси таҳририятига!

Камина Абдуқодир Зуннуний кексаликнинг кам инсонларга насиб этадиган юксак марраларидан бири — 80 ёшдан ҳам сакраб ўтиб, 60 йилдан буён қўлимдан тушмай келган каламнинг маҳкам ёпишиб, уни имкон борича таъриблик келаётган бир журналистман. Узим ўзбек халқининг этник жиҳатдан энг яқин қонқариндоши уйғурларга мансубман. Тугилган юртимда ёшлигимдан танлаган касбим журналистликни бутун умрим буйи қилдим, шу соҳада фалоят кўрсатиб келдим. Газета, радио ва турли нашриётларда 45 йилдан ортиқ ишлаб пенсияга чиққан эдим. Хизматимнинг 15 йилгини ўз туғилган юртим Уйғуристонда ўтган бўлса, қолган 30 йилдан кўпроғи иккинчи Ватаним — Ўзбекистонда ўтди. Шу неча ўн йиллик пенсиясиз даврамда ҳам радиода ҳамда Қозоғистон, Қирғизистонда уйғур тилида чиқадиган газеталарда мақола, очерк, лавҳаларим билан иштирок этиб келаётirman. Ҳозир кўларимга парда тушиб хирозалиб халқ ўқий олма, ёза олма қолдим. Аммо

## ЭЪЗОЗ ФАЙЗЛИ ОҚШОМ ТАРОВАТИ


Яқинда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Абдулқодир Муҳаммадқодир номидаги 23-ўрта мактабда ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб байрам тадбири уюштирилди. Тадбирда шу мактабда узоқ йиллар меҳнат қилган устоз-мураббийлар — Васила ая Хўжаева, Ботир ака Нигматов, Раҳимов ака Файзиев, Айниддин ака Ғиёсов, Дина Сергеевна Абдиева, Машхура опа Раҳматуллаева, Тўхтамурод ака Акбаров, Муҳаббат опа Миробидиева, Дилором опа Турсунқўжаева, Шоиста опа Мирзахўжаева, Мафйрат опа Хошимова, Нурия опа Алиева, Хадича опа Муҳаммадқодирова азиз меҳмон сифатида иштирок этдилар.

Илғилиш аввалида аънамага кўра Давлат мадҳияси янгради. Шундан сўнг мактаб директори Шаҳодат Абдурахмонова сўзга чиқиб, барча меҳмонлар ва ўқитувчиларни мактаб жамоаси номидан қасб байрамлари билан қутлади. Мактабнинг дастлабки раҳбарлари Васила ая Хўжаева ва Ботир ака Нигматов ҳам ўқитувчиларни байрам билан табриклидилар, келажакимиз бўлган ёшларнинг яхши билим олиб, Ватанга ва Президентимизга содиқ фарзанд бўлиб етишишларида таълим даргоҳларининг роли хусусида алоҳида таъкидландилар. Ўқувчиларга ўзларининг эзгу ниятларини билдиридилар.

Мактабнинг фалол ўқувчилари ўзлари тайёрлаган бадиий чиқишлар, устозларга аталган шеръ ва газаллар, кўшиқ ва рақслар билан меҳмонларни янада хушнуд этдилар.

Шаҳноза ҒОЙИПОВА

Олимп чўққисини забт этди ўзбек!



## ИСТАК ЖАҲОН САҲНАСИГА ЧИҚИШ ЙЎЛИ

Сўнгги вақтларда Ўзбекистондаги жаҳон саҳнасида спорт мусобақалари ойнаи жаҳон воситасида чет элларга ҳам тўғридан-тўғри намойиш этила бошланди. Масалан, бу йилги Наврўз ва Мустақиллик байрами тантаналари, республика телевиденисининг шу тантаналар тўғрисидаги репортажлари титрида Ўзбекистон телетомошабинларига фахр билан маълум қилинганига кўра, улар Ернинг сунъий йўлдоши ёрдамида "жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатига" намойиш этилган. Билишимизча, бунда Туркиянинг "Туркстат ТВ" сунъий йўлдоши назарда тутилган: шу сунъий йўлдош орқали Наврўз байрамида Туркия телевиденисининг 3 та канали ва Мустақиллик байрамида 2 та канали ("Обросий" ва "TRT-2")

хизмат қилди. Туркия телевидениесининг ҳар иккала кўрсатувида икки турк журналисти байрамона, каттақон телекран билан жиҳозланган кенг ҳонада ўтириб, воқеаларни баҳоли қудрат изоҳлаб, тантаналарнинг иштирокчиларини ўз томошабинларига таништириб туришди. Шуларни кўриб ўтириб, Тошкентдан берилётган кўрсатувлар, қани эди, нафақат туркча, балки ўзбекча, қолаверса, инглиз, рус, араб каби халқаро тилларда жаҳон саҳнасига чиқса деган орузга берилсан киши. Собик шўро давлатларидан Арманистон, Грузия, Озарбайжон ва айрим қўшни республика телевидениелари Ернинг сунъий йўлдошлари хизматидан фойдаланишмоқда. Газетхон ўйлашсинки, бунинг учун Ўзбекистон


ўзининг сунъий йўлдошини учирши керак деб. Қурраи замин устида АКШ, Россия ва бошқа давлатларнинг йўлаб, юзлаб алоқа сунъий йўлдошлари парвоз қилмоқда. Уларда телетасвир ва овозни юксак сифат билан рақамли усулда узатувчи замонавий бўш транспондерлар кўп (транспондер дегани муайян бир телеканал сигнални Ердан қабул қилиб, яна Ерга узатувчи қурилмадир). Шундай транспондерлардан бириккитаси бир неча йилга ижарага олинса, бас. Ижарага берувчилар эса оз эмас. Бунга, масалан, Россия Телерадиотармоқлар дирекцияси раҳбарининг Санкт-Петербургда чиқадиган "Теле-Спутник" журналидаги гаплари ҳам исботлайди. "Ҳозирги вақтда, — дейди у, — телевиэиончилар учун транспондерлар

етарлича. Аксинча, эндиликда бошқа муаммо туғилди; у ҳам бўлса, ижарага олувчи истеъмолчилар етишмаётганлиги муаммосидир". Ердан сигнал узатувчи жиҳозлар масаласига келсак, уларга катта сарф-харажат кетмаслиги аён. Дарвоқе, шу йил бошида Ўзбекистон Алоқа вазирлигининг бир ходими телевидениеда чиқиш қилиб, Ўзбекистон ҳам тез орада Ернинг сунъий йўлдоши хизматидан фойдаланиши мумкинлиги ва бунда Исроил мамлакати ёрдам беражаги тўғрисида гапирган эди. Шояд, ана шунда Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари тўғридан-тўғри жаҳон саҳнасини кенгрок забт этса!

Тоҳир УМАРОВ,  
журналист, фан ва техника соҳасидаги Беруний номида Давлат мукофоти соҳиб

## ҚУТЛОВ МУКОФОТ МУБОРАК, АҲМАДЖОН АКА!

"Учитель Узбекистана" газетасининг бош муҳаррири, матбуотимиз "долгожител" ларидан Аҳмадjon Долимов Президент Фармонига кўра "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланди. Устозни ушбу юксак эътироф билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Мукофот муборак, Аҳмадjon ака!



"ХУРРИЯТ"ЧИЛАР

## "ЭНГ ЯХШИ ОБУНА ДАЪВАТИ"

Газетамизнинг кадрли муштарийлари! "Хуррият" ўз обунаси учун "Энг яхши обуна даъвати" танловини эълон қилади. Мактабларингизни 10 ноябрга қадар жўнатишингиз мумкин. Энг яхши обуна даъвати газетамизда чоп этилади ва муаллифларига "RADIO-RECORDS" студиясининг совғалари ва "Шарк" НМҚда чоп этилган қимматбаҳо китоблар берилади.

## АНЖУМАН ВЕНГРИЯ — ҲАМКОРИНГИЗ

Киночилар уйда "Венгрия — сизнинг ҳамкорингиз" шiori остида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуман 3—6 октябрда Ўзбекистонда ўтказилаётган Венгрия кунлари тадбирларидан бири бўлиб, унда Венгрия ва Ўзбекистон савдо вакиллари матбуот ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Венгриянинг Москвадаги савдо вакили Ўзбекистонда Венгрия Республикаси савдо ва маданий кўргазмасининг иккинчи маротаба очилиши давлатлараро иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожланишига олиб келишини таъкидлади. Конференцияда Венгрия давлати ташкил топишининг минг йиллиги, давлат иқтисодиётидаги ўзгаришлар, Венгрия ва Ўзбекистон орасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларнинг ривожланиши ҳақида сўз юритилди. Венгрия кунлари давомида мамлакат тарихига, шунингдек, охириги йилларда бўлиб ўтаётган ўзгаришларга оид фильмлар намойиш этилади.

Дилнора АЗИМОВА

## АНДИЖОНДА СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЯТИ

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят илмий-услубий кутубхонасида "Соғлом авлод маънавияти" мавзусида қизиқарли давра суҳбати ўтказилди. Уни Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази Андижон вилоят бўлимлари ҳамкорликда уюштирдилар. Даврани ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Т. Сатимов олиб борди. "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази вилоят бўлимининг раҳбари А.Нурматов соғлом авлодни камол топтириш йўлида яратилажак шароитлар, имкониятлар ҳақида фикр ва тақлифлар билдириб, бу борада оммавий ахборот воситалари ходимлари тарғибот ишларини қучайтиришлари лозимлигини айтиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари О.Тўракулов билдирган фикрлар барчада катта қизиқиш уялтирди. У вилоятда ўсмирлар поликлиникаси ташкил этилганлигини, ёшларни, хусусан, ўсмир қизларни тиббий назоратда сақлаш масаласи ва гўдақларни фақат кўкрак сути билан боқиб дастурининг амалга оширилиши зарур эканлигини таъкидлади. Шунингдек, вилоят кутубхонаси директорининг ўринбосари Х.Каримова ҳамда оммавий ахборот воситаларининг бир қатор вакиллари соғлом авлод дастурини бажариш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Р.ҲАНТБОВЕВА

## ТОШКЕНТДА ЭЪТИРОФ

"Ўзбекино" да матбуот анжумани 26-30 сентябрь кунлари Москвада бўлиб ўтган "Учинчи Евроосий телефоруми" фестивалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "XXI аср бусонасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарига асосида тайёрланган туркум ҳужжатли фильм таъсис этилган 14 мукофотдан бири йўла учтасини олишга сазовор бўлди! Бу совринлар: "Терроризм хавфига қарши МДХ давлатларининг биргаликда қилган кенг қамровли ҳаракатлари ёрқин акс эттирилгани учун", "Энг яхши харбий ватанпарварлик мавзусидаги фильм учун" ва "Фуқаролик жамиятининг яратилиши ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳақидаги фильм дастури учун". "Учинчи Евроосий телефоруми" деб аталган бу фестивалда ҳужжатли фильмдан 4 туркум намойиш этилди. Фильмнинг 5-туркуми эса яқунлиши арафасида. Мақур фильм энг сара асарлардан бири сифатида эътироф этилгани мутахассислар томонидан йирик ҳодиса сифатида баҳоланди. Унда, шунингдек, "Ўзбектеlevision" студиясининг бир неча асарлари ва Андижон ёшлар телевидениеси ҳам ўз фильмлари билан қатнашиб, қимматбаҳо совринларни қўлга киритиб қайтидилар. Шу муносабат билан Киночилар уйда ўтказилган матбуот анжумани "Ўзбекино" ДАК раиси Темурмалик Юнусов олиб борди. Анжуманга таширф буюрган фильм ижодкорлари — муаллиф Владимир Исҳоқов, режиссёр Шухрат Қурбонбоев "Ўзбектеlevision" директори Мирзаасхмад Олимов ва фестивал катнашчилари ўз таассуротлари билан ўртоқлашиб, оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

МУХБЕРИМИЗ

Одамлар шу дунёда яшашга маҳкум этилганлар ва ундан айри яшашни ҳеч қачон тасаввур қилолмайдилар.

Хар куни ҳомиладорлик ёки туғруқ билан боғлиқ жараёнда 1400 (хар дақиқада биттадан) аёл дунёдан кўз юммоқда

Тбилиси қамқонхонасидан камиди 12 маҳбус ер остидан лаҳм йўл очиб, "куён" бўлди

Албер КАМЮ





Япония асосан тўртта — Хонсю, Хоккайдо, Кюсю, Сикоку оролларидан ва яна 6800 дан зиёд бошқа кичик ороллардан иборат. Улардан фақат 340 тасигина 1 квадрат километрдан зиёд майдонга эга, холос. Мамлакат ҳудудининг асосий қисми тизиб дарахлар билан қопланган тоғлардан иборат. Тоғлар ҳам кўнчиқар юрт табиатининг ўзига хос чиройи. Айниқса, Хонсю оролидаги Япон алпи жуда машҳур. Бироқ тоғлар ҳақида гап кетса, японлар дастлаб Фудзи тоғини кўз олдларига келтирадilar. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланган, баландлиги 3776 метр келадиган Фудзи чинакамга Япониянинг рамзига айланиб кетган.

# МИЯЖИМА — МУҚАДДАС ОРОЛ

Йилда Кобэ ва унинг атрофида рўй берган зилзила ҳам 6279 кишининг умрига зомин бўлган. Зилзила табиатнинг японларга раво қўрган ёлғиз офати эмас. Гоҳида Япония соҳилларида талфатбахш цунамилар ёпирилади. Бироқ японлар чидамли, тадбирли, феълӣ кенг халқ. Унинг авзоий, феълӣ юрти табиатидек кескин эмас. Самимийлик, покизалик, ҳушмуомалалик, меҳмондўстлик, меҳрибонлик каби фазилатлар япон халқининг ажралмас сифатларидир.

Хиросима аэропортига етиб келганимизда шивалаб ёмғир ёғарди. Чор-атрофи ям-яшил ўрмонзор. Бу ерларнинг замини мустаҳкам бўлмагани боис йул четидоги тепаликлар тупроғини ушлаб туриши учун адирлар юзига зангор рангли сым тўрлар ётқизилган.

Самолётдан тушиб, бизни кутиб турган автомобилда шаҳар томон йул олар эканмиз, ҳамроҳимиз Юрий Сандан Хиросима сўзининг маъносини сўрайман. — Хиросима — кенг орол дегани, — дейди у ҳозиржавоблик билан. — Бироқ биз ҳозир бир соатлар ичида Мияжимага борамиз. У ерни томоша қилгач, кейин Хиросимадаги Тинчлик хотира музейига ташриф буюрамиз.

Мияжима — Япониядаги оролларнинг бири. Уни муқаддас орол ёки орол-ибодатхона деб аташди. Худуди унча катта бўлмаган орол Ички япон денгизи соҳилида жойлашган. Оролда атиги 2449 киши истиқомат қилади. XII асрда бу ерда Синто ибодатхонаси барпо этилган. Оролни шунчалар муқаддас билганлари учун бу оролга яқин-яқингача марҳумлар ҳам дафн этилмаган. Хатто покизаликни сақлаш учун, аёллар кўзи ёриши маҳали оролдан материкка олиб кетилиб, фарзанд қўрганларидан сўнг ўз уйларига келтирилган. Материкдан оролга паромлар қатнайди. У нафақат одамлар, балки автомобилналарни ҳам оролдан материкка, материкдан оролга "опичлаб" ўтказишади. Шивалабган ёмғир остида паромга йул оламиз. Ҳадемай у муқаддас орол — Мияжима сари йул олади. Йирокдан гира-шира кўринган орол ям-яшил табиати билан кўз ўнгингда улканлашиб боради. Мана, сув ичида дарвоза янглиғ ўрнатилган устунлар. У бу худуд худолар замини, муқаддас замин, ибодатгоҳ эканидан огоҳ этади.

Японлар асосан икки динга эътиқод қиладилар. Мамлакатнинг 3,5 фоизи аҳолиси табиат ҳодисаларига эътиқод қилишга асосланган синтоизмга, 34 фоизи эса Японияга Марказий Осиё, Хитой ва Корея орқали VII асрда кириб келган буддавийликка ибодат қиладилар. Бироқ японлар бу динларга чуқур эътиқод қилмайдилар. Уларни кўпда фарқлай ҳам олмайдилар. Шу сабаб будда ибодатхоналари орасида синто ибодатгоҳи, синто ибодатхонасида будда ҳайкалининг учраши — табиий ҳол. Тўлар синто оdatига кўра ўтса, мотам маросимлари будда анъаналарига асосан кечади.

Японлар йил охири ва янги йилнинг бошида ибодатхоналарга албатта ташриф буюрадilar. 31 декабрда ҳар бир япон ибодатхона кўнгиригининг 108 зарбини эшитиши керак. Диний ҳодисаларга қараганда, инсонга 108 эҳтирос, яъни нафс қутқу солар экан. Улар руҳ ва тани кирлантира-

## АХВОЛ

### АНОР: "ҲАНУЗ ЖАННАТНИ КУТИБ ЯШАЯПМИЗ"

Таниқли адиб, драматург, киносценарист, Озарбайжон Ёзувчилар Уюшмаси раисининг "Труд" — "Экспресс" газетаси муҳбири саволларига жавобларидан

— Журналлар чикяпти дедингиз, уларга маблағни қаердан олаёписилар?  
— Бюджетдан олаёписиз. Президентнинг курсатмасига биноан журналларни 500 нусхада, адабий газетани 200 нусхада чоп этиш учун махсус маблағ ажратилмоқда.  
— Намунча ози?  
— Озликча оз, лекин замонавий адабиётни асраб қолишининг бирдан-бир чораси шу, негаки ҳозир китобни пули бор одам чикарпти. Пулдор кишилар чикараётган китобларнинг савиясини тасаввур қилолмайсиз... Улар ё ўзлари ёзда ёки бошқаларга ёздиршади, китоб сотилади-йўқми — иши йўқ, чикса бас! Ёзувчи деган номи чикса бас! Ҳақиқий ёзувчиларда эса пул йўқ, битта-яримтаси амал-тақал қилиб топмаса, кўпчилиги китоб чикармайпти...  
— Илгари сценарий ёзиб турардингиз?  
— Кинонинг аҳоли ҳам чатоқ. Илгари йилига 7-8 та фильм олинса, ҳозир 2-3 тадан ошмайпти.  
— Театрда ахвол қандай?  
— Барча театрлар сақланиб қолган. Фақат ҳафтасига 2-3 марта томоша кўрсатилади, холос.  
— Бориб томоша қиладиганлар саробими?  
— Борисга борапти, лекин жуда оз. Топиш-тутиш ночор. Маошнинг чўғи паст, қимматчилик авж олган, ишсизлик. Тасаввур қилинг, мамлакат аҳолиси 8 миллион бўлса, унинг бир миллиони кочқолар.  
— Демак, бурунги Боку билан ҳозиргисининг ўртасида тафовут катталашиб кетибди-да?  
— Бурунги ва ҳозирги ҳаётни аниқ ифодаловчи гап бор: "Совет ташвиқоти социализм ҳақида нимаики деган бўлса ҳаммаси ёлгон бўлиб чиқди. Капитализм ҳақида нимаики деган бўлса — бари тўғри экан". Ҳақиқатан ҳам шундай. Капитализмга хос бўлган кескин тафовут ҳар қадамда манаман деб турибди. Топармонлардангилама саройлар, виллалар қуряпти, "мерседес"ларини гизиллатиб юрибди, кўнгли тусган пайтда Гавая оролларида дам олгани бориб келяпти... Аҳолининг асосий қисми эса кашшоқ-ночор.  
— Зиёлилар-чи?  
— Зиёлилар осмон билан ер ўртасида муаллақ осилиб қолди. Президентимиз ёши 70 дан ўтган санъат ходимлари учун 200 доллардан нафақа белгиланган. 40 ёшга тўлмаган ёш ёзувчилар учун ҳам стипендиялар берилмоқда.  
— Ёзувчилар Уюшмасининг раис сифатида қандай имтиёзларингиз бор?  
— Ҳеч қандай. Эскидан яшаётган торғина уйимда яшайман. На дала ҳовлим, на шахсий машина бор.  
— Келажақдан қандай умидлар кутаясиз?  
— Илгари некин бир одам эдим, энди эса умид қолмади. Ишлар юришиб кетадиган замонлар ҳам келар. Етмиш йил туганмас бахт-икбол олиб келадиган давронларни кутиб яшадиқ, алданганимизни жеңиб қўриқ, пайқадиқ. Ҳозир ҳам қайлардандир келажак жаннатга умид боғлаб яшаймиш, лекин "йил" этган учқун кўринмайпти. Бундан баттаридан асрасин...  
— Ижод учун қуч-қувватни қаердан олаёписиз?  
— Асосан ёзда, дам олиш кезларида ёзаман. Уюшма раислигидан қутулсам, ижодимга қайтсам ҳаётимга яна маъно кирган бўлур эди...

## БАСЕ ЮРТИ МУЪЖИЗАЛАРИ

### 6-30 октябрь кунлари Тошкентда "Япония маданияти кунлари" бўлиб ўтади

Тошкентда 6-30 октябрь кунлари "Япония маданияти кунлари" бўлиб ўтади. Бу буюк киновари дейилади. У ёғочни чиришдан асради, — дейди Юрий хоним. — Бундай намчил iklimда ёғочни бошқа усулда чиришдан сақлаш мушкул. Синто ибодатхонасини томоша қиладётиб, унинг ҳовлисидаги ўй эшигига дуч келдик. Дарвозанинг икки ёнида баҳайбат махлуқ хайкали ўрнатилган.  
— Бу будда ибодатгоҳи, — деб изоҳ беради Юрий сан. — Эътибор беринг, махлуқлардан бирининг оғзи очик, бошқасиники бекилган ҳолда турибди. Бунинг ўзига хос маъноси бор. Махлуқлардан бири будда алифбосидаги бош ҳарф "А"ни, иккинчиси алифбодига сўнги ҳарф "Ум"ни талаффуз қилаёпти. Бу ушбу ибодатгоҳ бошдан охиригача бизнинг руҳлар назоратида деганидир. Эсингиздами, "Аум синрекэ" диний сектаси? Токио метросида одамларни захарлаган-чи? Уша оқим ҳам ўз номини "А" ва "Ум" ҳарфларидан олган.

Япония ҳақидаги китоблардан бу оролда антика аквариум борлигини ўқигандим. Шу сабабли ҳамроҳларим Юрий Сан ва қозоқ журналисти Қали Сарсенбойни аквариумга боришга ундадим. Мияжима жамоат аквариумига билет олар эканмиз, ичкарида денгиз мушуклари иштирокидаги томоша бошланганини айтишди. Дарҳақиқат, жажжи қизалоқ икки денгиз мушуги билан антика томошалар кўрсатди. Денгиз мушуклари гоҳ пианино чалсалар, гоҳ уйқучи бола ролини ижро этдилар, соатнинг неча бўлганини ҳам ёғоч тақиллатиш орқали айтиб беришди.  
Бу аквариум 3,3 метр чуқурликка эга бўлиб, узунлиги 38 метрга чўзилган. Сув сизими 75 минг галлопдан иборат. Мана шу антика аквариумда денгиз ва океанларда ҳаёт кечирувчи 3 мингга яқин жонзотга макон қурилган. Рости, сув узра сузиб юрган нафис гул каби ранго-ранг медузаларни, бир-биридан гўзал ва турфаранг балиқларни, денгиз тулпорчасини, ақуладан тортиб, бесўнақай денгиз тошбақаларини, ўт деса ўтга, жонзот деса жонзотга ўхшамайдиган ажойиботларни кўриб, Аллоҳнинг қудратига яна бир қарга қойил қолдим. Яратганинг якяю яғоналигига, ижода унинг тенги йўқлигига яна бир бор имон келтирдим.

Ҳадемай, муқаддас оролдаги сафаримиз нихоялаб, паромда яна ундан узоклашдик. Паромнинг денгиз узра солиб бораётган изларига боқар эканман, шоқила тўлқинлар ўзбек даштада беҳадик чопиб юрган тойчоқ ёлини эслатарди.

Тошкент—Хиросима—Тошкент

2001 йил мобайнида жаҳонда содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг шарҳу тафсилотлари, дунёнинг қайноқ нуқталаридан "қайноқ" репортажлар, Голливуддаги машамашлар, ажабтовур ҳангомалару фаройиботлар, тапотупу олатасирлар ҳақидаги энг сўнги янгиликлар — буларнинг барини "Хуррият"нинг INTERNATIONAL LIFE саҳифасида ўқийсиз!

## ХОТИРА

### ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ ЭДИ...

...Низомий номидоги Тошкент давлат педагогика институтида ишлаб юрган кезларим, мен фаолият кўрсатаётган "Янги ва энг янги тарих" кафедраси мудири (Аллоҳ раҳмат этган бўлсин) профессор Зухридин Нуриддиннинг бешинчи курс талабаларининг педагогик амалиётини самарали ташкил этиш зарурлигини тайинлади. "Октябрь РайОНОсининг мудири бор, Саидқабар ака Саидқабаров, шу кишига учрашинг, яхши маслаҳат берадилар", деди. Бордим, Саидқабар ака ҳузурига кирдим. Дамла мақсадимни билгач, институт талабаларини учун малака тўплаш, яъни практика ўтказишларида тажрибали ўқитувчиларнинг иш тизими катта аҳамиятга эгаллигини тушунтирди. 81-мактабда Фахриддин Муҳиддинов, 84-мактабда Тўлаган Зухридининов, 119-мактабда Ваҳоб Умаров сингари тарих ўқитувчиларидан кўп нарсаларни ўрганиш мумкинлигини тавсия қилди.



Студентларни олиб боринг, дарсларда ўтиришини, кузатишини, синфдан ташқари машғулотларда албатта қатнашинлар, — деди қўшимча ўлароқ бўлим мудири. — Тағин қулониғизда бўлсин, мактаблардаги директорнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан яқин ҳамкорлик қилинлар, улар ўз тажрибаларини студентлар билан ўртоқлашсинлар.  
Саидқабар ака яна бир қанча маслаҳатлар бердилар, туман мактабларида тарих ва бошқа фан соҳаларида етакчи ўқитувчилар тажрибаларини айтиб бердилар. Уша-уша дилкаш ва ўз касбининг фидоийиси бўлган бу инсон қалбига яқин бўлиб қолдилар. У кишининг босиб ўтган ҳаёт йўли билан танишдим, асли тошкентлик қосиб-маҳсибўз оиласида туғилиб воғга етганини, алоқа раббанига, педагогика институтида тахсил олганини билдим. Институтни тугатган, Халқ Маорифи Комиссарлигига мурожаат қилиб, Республиканинг энг олис вилоятларига мактабда ишлашга йўлларини сўраган экан. Шундай қилиб, Саидқабар ака аввалгига Косон туманида олдий ўқитувчи, салгина ўтар-ўтмас ўша мактабда директор бўлиб хизмат қилган. Дамла уруш йиллари фронт майдонларини кечиб ўтган. Фронтдан қайтган эса Тошкент шаҳар Октябр (ҳозирги Шайхонтахур) тумани халқ таълими бўлими мудири вазифасида ишлаган. Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи С. Саидқабаров 71-мактабда директорлик қилган йиллари бутун умр тўплаган тажрибаларини ёш авлод тарбиясига сафарбар этди. У киши ўқувчиларга комплекс тарбия беришни ташкил этиш зарурлигини кўп ўқтирар, бунга амалиётда қўллашга ҳаракат қилар эди. Уқувчининг кўнглига қўл сола билшдан тортиб, унинг оиласидоғи аҳволдан, муҳитдан хабардор бўлишни талаб қилар, тарбия борасида бугунги ишни эргага қўймак, ўқувчи ёшлар таълим олиши билан бир йўла уларнинг меҳнатга қўнқима ҳосил қилишларига катта аҳамият берад эди.  
... Биз бугун муҳтарам Президентимиз етакчилигида миллий кадрлар тайёрлашнинг энг янги ва энг илгор тизимини яратмоқдамиз. Бугунги истиқлол таълими кечаги аёгалги кун талабалари ва тизимларидан туддан фарқ қиладди. Мактаб ўзардаги, ўқитувчилар ўзармоқда, ўқувчилар буткул янги инсон сифатида қамолга эришмоқдалар. Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан Президентимиз неча унча ҳаммасларимизни меҳнатини муносиб мукофотлар билан тақдирладилар. Ана шундай қунларда шу касб заҳматкашлари бўлиб дунёдан яшаб ўтган азиз инсонлар руҳини шод қилиб қўйиш ниъмати уларнинг биттаси — Саидқабар Саидқабаровни эслаб ўтдим, холос...

## ОЛАТАСИР ЭКАН... ЭМИШ...

- Непаллик Бабу Чир 8848 метрлик Жомолунгма чўққисини 15 соату 56 дақиқада забт этиб, бу соҳада рекорд натижага эришди...
- Вильносада бўлиб ўтган жиноятчиларга қарши курашиш бўйича халқаро йиғилишда маъруза қилган ФБР агентининг ихчамгина компьютерини маҳаллаги ўрилар шилиб кетишибди...
- Сиднейдаги зоомагазиндан бири-биридан ноёб 20 та ўргимчак билан 20 та чаён ўғирланибди...
- 1945 йили Галаба намойишини қабул қилишга ҳозирлик қўраётган, Ташкент ордан йилкилиб тушгани учун бу вазифани Жукювга топширган экан...
- Уруш тугагач, Маршал Жукюв Фарбдан уйига олиб келган қўнмақбаҳо буюмларни, уй анжомлари 7 вагонга, 85 кентейнерга жо бўлган экан...
- Майк Тайсон рингидоги жанглар эвазига 100 миллион "кўки"ни йиғиб олган, Боксини тарқ этмокчи эмиш...
- Таиландада турли фалокатлар оқибатида вафот этган мурдаларнинг шикаста қилмаган ички аъзоларини ўғирлаган жарроҳлар қора курсига ўтказибди...
- Айрим мамлакатларда пора олгани учун ўлим жазоси қўлланилар эмиш...
- Америка ҳукумати ноҳорлиги туфайли етарли даражада қалория олмаётган онилар учун махсус арзон ва тотли таомлар тайёрлаш бўйича тавсиялар китобини чикарибди. Тавсияларга кўра овқат тайёрлаш учун ҳафтасига бор-ўйга 100 доллар кетар экан...
- Австрияда тоғлиқлар бюроси эгалари олиб кетмаган буюмларни аукционга қўйиб сотар экан...

## САВОЛ-ЖАВОБ

### "ЭКСТРАВЕРТ" НИМА, "ИНТРОВЕРТ"—ЧИ?

Ассалому алайкум, севимли "Хуррият" газетаси таҳририяти ходимлари! Сўнги вақтларда "экстраверт" ва "интроверт" деган тушунчалар бот-бот қўлоққа чалинмоқда. Сизлардан илтимос, мазкур сўзларни изоҳлаб берсангиз.

Беруний тумани АДИБА  
Авалло, бизга ишонч билдириб, саволингизни айнан таҳририятимизга йўллаганингиздан миннатдоримиз. Сиз айтган тушунчалар нутқимизга қаердан кириб келганини аниқламоқчи бўлиб, шундай маълумотларни қўлга киритдик. Улар психология фанига мансуб экан. Психология (руҳшунослик)га эса Карл Густав Юнг уларни киритган экан. Унинг фикрича, одамлар баъзи хусусиятларига кўра, интроверт ёки экстраверт бўлиши мумкин. Экстраверт ўзининг барча диққат-эътиборини ва энергиясини, яъни куч-қувватини ташқи дунёга қаратган бўлади. Унинг учун бош ҳаётий қизиқишини ташқи дунёдаги воқеалар ташкил қилиб, у ўзининг бор таассуротларига ҳиссиётларини сир сақлаб олмайди. Интроверт бўлса, аксинча, "ўзининг фикрим ўзимга керак" қабилида иш тутиб, диққат-эътиборини ўзининг ички кечинмаларига қаратиб қўлади. Кўпчилик билан гурунглашаверишдан ёлғиз қолиб, ҳаёлот оламига парвоз қилишни афзал қўради.  
Агар сиз ҳам Юнгга издох бўлиб ўзингизни ёки танишларингизнинг қай тоифага мансуб эканлигини аниқламоқчи бўлсангиз, шу нарсани унутмангиз, одам тулик экстраверт ёки тулик интроверт бўлиши шарт эмас. Қўпчида унда иккала тоифа хусусиятлари ҳам, бири кўпроқ, бири озроқ бўлса-да, кузатилади. Бу ҳар бир инсоннинг ягона ва қайтарилмаслигининг яна бир далилидир.  
Дилнора ДУЛТАЕВА тайёрлади

## ТАФСИЛОТ

### "ЧА-УЕ" — НАЖОТ ШИФО ХОРДИК

Юртимизда чой халқимиз турмуш тарзининг аънавий бўлаги, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат воситаси, кўпгина касалликлар учун дори-дармон, чанковбосар ичимлик ҳисобланади. Ҳаётимизни чойсиз тасаввур этолмайдиган даражага етганмиз. Чойни нафақат бизда, балки дунёнинг барча бурчагида ҳам севиб ичишади.  
Хитой олимларининг айтишича, кўч чой компьютер ва телевизор экранларидан тараладиган радиактив нурларнинг салбий таъсир кучини қирқди. Ундан ташқари, Хитой олимлари баъзи бир касалликларни чой билан даволаш мумкинлигини қайд этмоқдалар. Чой ёрдамида кўч касалликларини даволаш ҳам аънавий тус олмақда.  
Чой дастлаб Хитойда етиштирила бошлаган. Бу гапга ҳам 5000 йилдан ошиб қолди. Унинг хитойча номи "ча-уе" бўлиб, "ча" чой, "уе" барг деган маъноларни англатади. Ўзбек тилига "ча-уе" талаффуз жиҳатидан озгина ўзгарган ҳолда "чой" сифатида кирган. Ҳозирги даврда Хитойда чойнинг мингдан орттиқ тури мавжуд бўлиб, алоҳида-алоҳида чой дўконлари мавжуд. Хитой, Япония ва бошқа бир қанча Шарқ мамлакатларида чой байрамларини ўтказиш ҳам аънавий тус олган.  
Хитойда чойнинг кашф этилишининг ҳақида бир қанча ривоятлар бор. Масалан, улардан бирида айтилишича, кўнларнинг бирида ҳоқон ўз аёнларини билан овга чиқди. Эсининг иссиқ қуни бўлгани учун ҳоқон тез орада чанқаб қолади. Хизматқорлар урмон ичида сув қайнатилиш буюради. Сув қайнаётганда кутимлаганда дарахдан унга бир неча барг тушади. Саросимада қолган хизматқор бил-саки, қайнаган сув жуда ҳам мазали! Бундан хабар тоналган ҳоқон сувдан олиб келишни буюради. Унинг мазаси ҳоқонга ҳам ёқиб қолади. Шу пайтдан бошлаб бу дарахнинг баргини "ча-уе" деб атаиб бошлаганлар. Унинг баргини қайнатиб ичиш эса одат тусига кирди.  
Иккинчи ривоятда чойнинг келиб чиқиши биров бошқача талқин этилади. Эмишчи, ҳоқон кечирилмас гуноҳ қилган қанизагини қўлу биббонга ҳайдаб юборишни буюради. Хизматқорлари унинг оёқ-қўлини боғлаб, қимсақиз қўлга олиб бориб ташлашади. Орадан анча вақт ўтган, қанизак ўзига келади. Қўрсак, атрофда тирик жонзот йўқ. У жуда толқандан ва чанкаган эди. Шу пайт ён-атрофда ўсиб ўтган ўтга кўзи тушади. Очлик ва ташналикка чидай олмаган қанизак ўт баргларидан териб чайнайди. Орадан бир муддат ўтиб, унда бир куч пайдо бўлади. Ташналиги ва очлиги босилган қанизак ўтнинг баргларидан яна териб олиб йўлга тушади. Анча машаққатлардан кейин ҳоқон саройига етиб келади. Бундан хабар тоналган ҳоқон уни ҳузурига келтиришларини буюради, чунки ҳали ҳеч қим қўлдан омон қайтмаган эди-да. Қанизак бошидан ўтганларни ҳоқонга сўзлаб берганида, ҳоқон қанизакдан агар ўша ўт ўсаётган жойни кўрсатса, унинг барча гуноҳларидан кечиб қўлади ваъда беради.  
Шундан буён одамлар бу ўтнинг аввал дори, кейинчалик эса чой сифатида истеъмол қила бошлаган эканлар.  
Исмаил БЕКМУРОДОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институтини катта ўқитувчиси

ХУРРИЯТ  
МУСТАҚИМ ГАЗЕТА  
4-10 октябрь  
40 (193) сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғормаси

Баш муҳаррир Хуррият ДУСТМУХАММАД

Таҳрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Нозим КАРИМОВ, Абдуқоҳир ИБРОХИМОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (баш муҳаррир ўринбосари), Амриқул КАРИМОВ, Абдуқоҳир ИУЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақом билан рўйхатга олинган. Бичими А-2

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилор кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс: Яққа обуначилар учун — 233 Тошкентликлар учун — 234

"Шарқ" нашриёт" матбаа концерни боомасонаси, Корхона манзили: "Буёк Турон" кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ Топшириш вақти — 21.00 Топширишда — 18.00 Буюртма — 1 - 225

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Таҳририятга юборилган мақола ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat Kompyuter markazi terildi va sahifalandi. Sahifa(s)ochi: 5h SAYOALYEV

